

---

Ўзбекистон туманидаги ижтимоий соҳа муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини такомиллаштириш чоралари кўрилади

Тумандаги ижтимоий соҳа муассасаларига ажратилган бюджет маблағларини талон-тарож қилинишини олдини олиш, муассасаларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва соғлом овқатлантириш тизимини йўлга қўйиш мақсадида “аутсорсинг” ёки “кейтеринг” тизимлари тажриба-синов тариқасида жорий қилинади. Бу ҳақда вилоят ва туман ҳокимларининг тегишли [қарорлари](#) қабул қилинган.

Хусусан, дастлабки босқичда “аутсорсинг” тизимига ўтказиладиган муассасалар:

- туман тиббиёт бирлашмаси;
- 65-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати;
- 4, 10, 11, 12 ва 34-давлат мактабгача таълим ташкилотлари.

“Кейтеринг” тизимига ўтказиладиган муассасалар:

- 9, 29, 30, 31 ва 32-давлат мактабгача таълим ташкилотлари.

2021-12-15 09:45:40